

Газнавийлар тарих сахнасига милодий 961 йили келишди ва роппа-роса 225 йил хукмронлик килишди. Улардан олдин Сомонийлар сулоласи ўнинчи аср охиригача хукмронлик килган, бироқ бундан анча илгари унинг инкирозидан дарак бериб Кобулда янги давлат вужудга келган эди. Унга сомонийларнинг собик турк кули Алптегин асос солди. У сомонийлар авлоди киролигидаги тансокчилар гуруҳида юксак мавкега эришгач, Хуросон ҳокими этиб тайинланди. Анча вақтдан кейин нафратга учраб, кичикрок қўшин билан шарқий вилоятларга, Газна деган жойга бош олиб кетди ва у ерда мўъжазгина шаҳар-давлат барпо этди. Унга ворис бўлган кули ва қуёви Сабуктегин анча истеъдодли киши эди.

Сабуктегин 967-997 йиллар орасида ўттиз йил даврон сурди. У мустақилликка эришиб, ўз ерларини кенгайтирди. Гарбда сомонийлар авлодининг сўнги вакилидан Хуросонни тортиб олди, шарқда эса ҳозирги Покистон ва Афғонистон ҳудудида жойлашган Пешоварни эгаллади. Бу ерда унга хужум килган Панжоб рожаси Жайпал мағлубиятга учраб, жуда катта миқдорда товон тўлашга рози бўлди. Лекин Жайпал Лохўрга қайтиб келгач, сўзининг устидан чиқмади, шунинг учун ҳам Сабуктегин унинг тасарруфидаги ерларга бостириб кирди. Бошқа рожаларга ёрдам сўраб мурожаат килган Жайпал улардан мадад олиб, бирлашган кучлари билан Сабуктегин устига юриш килди. Бироқ хиндларнинг яна омади чопмади. Натижада Хинд дарёсининг гарб томонидаги ерлар газнавийлар ихтиёрига ўтди.

Газнанинг 999-1030 йиллардаги буюк султони Улуг Махмуд Сабуктегиннинг ўғли эди. У газнавийлар шухратини бутун Осиёга ёйди. Махмуд отаси билан биргаликда кўрган тадбирларидан ўз уруги билан сомонийлар орасида талашувлар бўлиб турганини, Шарқда Панжобнинг шахий подшоҳлари билан ракобат мавжудлигини яхши билар эди. Шу пайтда Жайпал казо килиб, унинг ўғли Анадпал Панжобни бошқариб турган эди. Отаси сингари у ҳам шартлашилган товонни тўлашдан бош тортди, бу Махмуд билан шахий подшоҳлари ўртасида уруш чиқишига яхши баҳона бўлди. Ўзаро тортишувлар Ислом азаматининг Хиндистон шахий подшоҳлари устига машхур ўн еттинчи юриши билан якунланди. Каттиятли сунний бўлган Махмуд Газна султони сифатида халифа деб эътироф этилди. Халифа унга "Ямин уд-Давла" (Давлатнинг ўнг қўли) унвонини берди.

Шундан кейин Махмуд ўзининг урушлари силсиласини бошлаб юборди. У Хиндистоннинг муҳим маданий ва диний марказларига хужумлар уюштирди, чунки қўшни рожалар шу масканларни кутқариш учун бирлашишларидан хабардор эди. Газнавийлар ўша пайтда ўн икки марта юриш килганлари тарихда қайд этилган. Хиндларнинг Гужарат вилоятига қарашли Катхиаваре деган жойдаги машхур Сомнас зиёратгоҳига килинган хужум уларнинг энг машхуридир. Махмуд Рожпутан қўлини босиб ўтишга мажбур бўлган бу юришида ўзининг қарийб барча хинд рожаларининг бирлашган кучларига қарши туришини яхши биларди. Бу жанговар саркарданинг жасурлиги ҳеч қандай таърифга сикмас эди. Дастлабки пайтда анча қўп сонли хинд қўшинлари исканжасида бўлгани холда голиб чиқиб, шаҳарни эгаллагач, Сомнас эҳромига кириб борди ва миллионлар илтижосига қарамай, ундаги бутни чил-парчин килиб ташлади. У юртига катта ўлжа билан қайтди. Махмуднинг гарбдаги зафарлари ҳам Хуросон ва бутун Форснинг қўшиб олинисидан қолишмайди. Шухрати чўккисида у Хиндистондаги Жамна дарёси билан гарбдаги Дажла дарёси ўртасида жойлашган бепоён кенглик хукмдори

бўлиб турди.

Махмуд Газнавий юришлари туфайли Ислом дини хакикатан ҳам кенг кўламларда жорий этила борди. Махмуд Канаужа ва Дехлигача борган бўлса ҳам, факат Панжобни эгаллашга эришди. Газнавийлар даврида Панжоб, аникроги, унинг учдан икки қисми мусулмон дунёсининг бир бўлагига айланди. Лохўр, Панжоб ва Юкори Синд газнавий ҳокимлигининг вилоят марказлари бўлиб хизмат килди. Сўнгги газнавий ҳокимлар эса Газнага эмас, Лохўрга бўйсунардилар. Махмуд Хиндистонда узок хотира колдирди. Бу хотира факат Панжобнинг доимий истилоси билангина чегараланиб колмасдан, кўпрок Махмуднинг ва унга қарам туркларнинг ўзларига нисбатан хиндлар қалбида уйғотган очик-ойдин кўркувда бўлмаса ҳам, душманликда ифодасини топди. У хиндлар бошида тез-тез қалтак синдириб турди, ўғли Султон Масқуд ва невараси Баҳромнинг шон-шухрати эса Хиндистонда шу қадар қучли янғардики, гурийлар Хиндистон устига бостириб қелаётганларида Присви Рож, дехлилик Чоукан Рож ҳамда Аҳмернинг қарши чиқишларини ҳисобга олмаганда, хиндлар ҳатто мусулмонлар ҳаракатига сезиларли тўсик бўла олишмади.

Хинд тарихчилари Махмудни босқинчиликда, шаҳарлар ва эҳромларни шафқатсиз қайрон қилишда айблашади. Бу тўғри эмас, албатта. Махмуд учун Хиндистон "Дорул-ҳарб", яъни урушлар масқани бўлган. Шаҳий подшоҳлари Махмуднинг отасига қарши уруғчилик урушини кўзгашиди, кўп марталаб Сабуктегинга ҳамда Махмудга берган вақдаларига вафо қилишмади. Эҳтимол "муқаддас уруш" олиб борган Махмуддан ватанларини ҳимоя қилганлари учун уларнинг қилмишларини оқлаш мумкин. Махмуднинг ўз тақбири билан айтганда, у бутпарастларга қарши ҳар йили ёки бир йил ўтказиб уруш олиб борарди. Ўша пайтда бундай уруш қонуний бир ҳол ҳисобланарди. У ҳеч қачон шаҳарларни яқсон қилмаган, оммавий қирғинларга йўл қўймаган.

Ислом қаҳрамони сифатидаги шон-шухрати билан Махмудга бас қеладиған ҳокими муқлаклар кўп эмас. Ўз пайтида у Осиёнинг биринчи ҳокими эди. Жонажон шаҳри Газнада беҳисоб кўп иморатлар, мактаблар, беадад илмий муассасалар қурдириб, ҳалқига ато қилди, ўз пойтахтига кўплаб машҳур қишиларни дақват этди. Бу унинг номини ўн биринчи асрдаги энг буюқ илмпарвар сифатида тилларда қостон айлади. Махмуд шоирлар ва машҳур қишиларга ҳар йили 400 минг қинорлаб мақлаг сарфлаши билан Қирдавсийни қислсиз "Шоҳнома" асарини ёзишга илҳомлантирган. У Газнада қорилқунунга асос солиб, машҳур қайласуф, олим, сўз устаси ва шоир Ансорийни унга қуқаррислиққа тайинлади. Бошқа кўпгина шоирлар, жумладан, Асади Тусий, Қирдавсий, Асқодий ва Қаррухий ҳам шу ерда эдилар. Улуғ аллома Беруний ҳам Махмуд ҳузурида ишлади, лекин у шоҳнинг маслаҳатқиси Аҳмад ибн Маимандий билан қиқиша олмай, шаҳзода Султон Масқудга қўшилди. Газнавийлар ҳақида битилган "Тарихи Яминий" асарининг муаллифи машҳур олим Утбий Махмуд саройида фаолият қўрсатган. Ўз қаноҳида шунчалик кўп ёзувқилар, санқатқорлар ва олимларни тўплаб, бутун қитқада шу қадар юқсак обрўга эга бўлиш қамдан-қам подшоҳга насиб этган.

Машҳур султонлар - Султон Масқуд ва қилим бобидаги жонбозлиги билан қонг таратган ўғли Султон Байрам ибн Масқуд Махмуд Газнавийнинг қорислари жумласидандир. Байрам қозилу қузалоларга совға-саломлар ва муқофотлар беришда жуда саҳий эди. У "Махзани асрор" асарининг муаллифи Шайх Низомий ва Сайёд Қасан Газнавий синқари таникли қишиларни саройга жалб қилди. Айни Султон Байрам подшоҳлиги даврида ва унинг раҳнамолиги туфайли "Қалила ва Қимна" масаллар мажмуи санскрит тилидан қорсқага таржима қилинди. Газнавийлар тобора қолдан

тойиб бораётган кироликни юз йилдан кўпроқ бошқариб турганларидан кейин Панжоб томон суриб чиқарилдилар. Махмуднинг сўнгги вориси у ерда Шахобиддин Гурий (1186 йил) ҳаётлигида Лохўр ҳокими бўлиб турди.

Сардор МАХМУДнинг Лондонда 1959 йили инглиз тилида чоп этилган “Ислом тарихи” китобидан Жамолiddин Хамдам ва Шариф Холмурод таржимаси